



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!
Мухтарам юртдошлар!

Бугун, мана шу кутлуг айёмда барчамиз учун энг азиз, энг қадрли бўлган фарзандларимизга билим ва тарбия беришдек улуг ишга бутун борлигини бағишлаган сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб – шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маънавомизмни ва олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурмати ҳеч қачон йўқотмайди.

Бугун биз ўқитувчи ва мураббийлар кунини деб ном олган гўзал байрамимизни нишонлар эканмиз, ўзининг истеъдоди ва маҳоратини, кўз нури ва қалб кўрини бахш этиб, ёш авлодимизга билим, илму фан сирлари ва одамийлик сабақларини ўргатадиган сиздек мўътабар зотларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу боис бугун сизларнинг қўлингизда таълим ва тарбия, ҳаётга йўлланма олган, ўзини сизларнинг олдингизда умр-бод қарздор деб ҳис этадиган барча инсонлар номидан, ўқув масканларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар номидан «Раҳмат сизга, муаллим, таъзим сизга, устозлар!» деб миннатдорлик билдиришимиз ҳар томонлама ўринлидир.

Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлида, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтарилишдек улугвор вазифани амалга оширишда сиз азизларнинг қўшаётган бекиёс ҳиссангизни баҳолаш учун яна бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Ана шундай ўта оғир ва ўта долзарб, истиқболимизни ҳал қиладиган мақсадга эришиш учун таълим соҳасида чуқур ва пухта ўйланган миллий дастурларимизни тайёрлаш ва амалга оширишда бизнинг охириги 15 йил давомида қилган ишларимизни бутун дунё тан олмакда.

Бунинг яққол тасдиғини шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция мисолида кўриш мумкин. Ана шу анжуманда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги энг донғи чиққан университетларнинг олим ва профессорлари томонидан Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари, мамлакатимизнинг таълим модели юксак эътироф этилган Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янги босқичга кўтаришга катта хизмат қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ёшларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб бораётган, илғор хорижий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этган бундай дастурларни амалга ошириш аввало сиз азизларнинг оғир ва мураккаб меҳнатингиз эвазига бўлаётганини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этаёлмайдигани ва сизларнинг бу энг мақсадга эришиш йўлидаги олижаноб хизматларингизни, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш борасида кўрсатаётган фидойилигингизни ҳамяиятимиз, халқимиз доимо юксак қадрлайди.

Шу маънода, 1 октябрь санасини бундан 16 йил олдин мамлакатимизда ўқитув-

чи ва мураббийлар кунини – умумхалқ байрами деб эълон қилганимиз сиз, азизларга, сизларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизга эл-юртимиз, шахсан ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ўзбекистоннинг таълим соҳасига қаратаётган улкан эътиборини тасаввур қилиш учун куйидаги баъзи бир рақамларни келтириш ўринли, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Кейинги ўн йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсгани, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, дунёдаги кўплаб мамлакатларда бу кўрсаткич 2-5 фоиздан ошмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусиқа ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-ҳунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилгани, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланиб бораётгани таълим тизимида биз амалга ошираётган ислохотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошлар!

Бугун дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган нотинчлик, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, ҳеч шубҳасиз, ҳаммаимизни ўйлантириши табиий.

Мен сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни бу муаммоларнинг барчасини қалбидан, юрагидан ўтказиб, улардан тўғри хулоса чиқариб яшайдиган инсонлар сифатида биламан.

Айрим қабих кучлар томонидан ўзининг стратегик мақсадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай ғаразли ишлардан халқимизни, айниқса ёшларимизни оғоҳ этиш, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уришларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни хушёр ва сезгир бўлиб яшашга, мусоффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачиқидек асраш ва қадрлашга даъват этишда мен биринчи навбатда сизларга ишонаман ва бундан буён ҳам барчангизни ўзимнинг маслакдошим, деб биламан.

Мен давлат раҳбари сифатида сиз жонкуяр муаллим, мураббий ва домлаларнинг, барча маърифат аҳлининг ўз танлаган касбингиздан рози ва мамнун бўлиб яшашингиз учун, Ватан олдида, келажақ олдида қилаётган улуг хизматларингизни муносиб тақдирлаш, ҳаётимизда юксак обрў-эътибор топишингиз учун ҳам қонуний, ҳам моддий, ҳам амалий замин тўғдириб беришни ўзимнинг нафақат вазифам, балки шарафли бурчим, деб ҳисоблайман.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Сизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунини – умумхалқ байрами билан яна бир қурамимий табриклаб, барчангизга сирхат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрли устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти


ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди

Дунёда спорт турлари кўп. Лекин улар орасида футбол ўзининг жозибаси билан алоҳида ажралиб туради. Умрида бирор марта футбол ўйнамаган ёхуд уни томоша қилмаган одамни учратиш мушкул. Футбол мамлакат шон-шухратини дунёга кенг намоеън этувчи кучли ва таъсирчан воситалардандир.

Тошкентда 2012 йил 28 сентябрь кунини «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.



– Бугун биз ўзбек спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдираётган катта воқеа – «Бунёдкор» деб ном олган янги, замонавий, гўзал ва бетакрор спорт мажмуасини ишга киритиш маросимига тўпландик, – деди Ислом Каримов. – Бу унутилмас воқеанинг аҳамияти ва моҳиятига рамзий маъно ва мазмун берадиган яна бир сана – айни шу кунларда кўпгина маълумотларга кўра ўзбек футболнинг майдонга чиққанига роппа-роса 100 йил тўлиши, ҳеч шубҳасиз, барчамизга алоҳида руҳ ва хурсандчилик бағишлайди, бугунги маросимни ҳақиқий тантана даражасига кўтарди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу маросимда қатнашаётган сиз азизларга қаратиб қалбимдаги сўзларни айтмоқчиман.

Аввало, мана шу файзли ва шуқушли оқшомда сизлар билан – қадрли ҳамюртларим, спорт ва футбол ишқибозлари билан бирга бугунги тантананда қатнашиш мен учун катта бахтдир.

Бундай улугвор ва ҳашаматли, ўзида 7 та замонавий футбол майдонини, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби, ётоқхоналар, бассейн ва бошқа бир қатор керакли объектларни мужассам этган, жами 56 гектар ерни эгаллаган бу мажмуа пойтахтимиз – азим Тошкентимизда қисқа даврда қад ростлагани, ҳақиқатан ҳам барчамизга мўъжизадай туюлади.

Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдирди, десам, адашмаган бўламан, деди Президентимиз.

Ҳеч шубҳасиз, бундай гўзал, ҳар қандай юксак талабларга жавоб берадиган салобатли ва кўркем спорт мажмуасини барпо этганимиз биз учун энг устувор, энг олий мақсад бўлиши болаларимизни, ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимиз, футболчиларимизнинг жаҳон спорт майдонларида юксак марраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг гарови сифатида хизмат қилажак.

Лўнда қилиб айтганда, бундай замонавий иншоотлар Ўзбекистоннинг куч-қудратини мустаҳкамлашда, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган шиорни амалга оширишда ишончли замин бўлажак.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизнинг дилидаги орзу-истакларни ифода этар экан, мамлакатимизда бундай буюк иншоотлар кўпайишини, юртимиз кўрқига кўрк қўшишини, улар халқимизга хизмат қилишини, спортчиларимизга янада юксак ғалабалар ёр бўлишини, бундан спорт мухлислари қалбида фахр-ифтихор туйғулари жўш уришини тилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди.

Йирик экранда мустақил Ўзбекистоннинг улкан ютуқлари, бунёд этилган ноёб иншоотлар, амалга оширилган ислохотлар натижалари, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришаётган зафарлари, юртимизда спортни омалаштириш борасида олиб борилаётган ишларни акс эттирувчи видеотасвирлар намойиш этилди.

Майдонга «Бунёдкор» ва «Пахтакор» футбол жамоалари чиқиб келди.

Мамлакатимизнинг икки етакчи клуби ўртасидаги ўртоқлик учра-

шуви 3:3 ҳисобида дуранг билан якунланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги ўзининг юксак самараларини бермоқда. ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг жаҳон футболдаги юксак мавқеи, ногирон-ампутант футболчиларимиз икки маротаба жаҳон чемпионлигига сазовор бўлгани, ёш футболчиларимизнинг Мексикада ўтган жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли иштироки, «Бунёдкор», «Пахтакор», «Нефтчи», «Насаф» каби клубларимизнинг Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги беллашувларидаги қизиқарли ўйинлари бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машгулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга доир қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмакда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг таклифига биноан 2012 йил 1-2 октябрь кунлари расмий ташир билан Ашхобод шаҳрида бўлади.

Олий даражадаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёоти қабул қилинади, шунингдек, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланади.

XXI аср – юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгила дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар асри. Бундай авлоднинг тарбиялашда устоз-мураббийларнинг хизмати бекиёс. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўқитувчиларнинг шарафли ва масъулиятли меҳнатини эъозлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган юксак эътибор замирида ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан ўтказилаётган анжуманларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўз тасдиғини топ-

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини

ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

моқда. Умумхалқ байрами арафасида Тошкент шаҳрига Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан энг илғор, фидойи, изланувчан ва ташаббускор муаллимлар таклиф этилди. Улар таълим сифати ва самардорлигини оширишга бағишланган турли анжуманлар, илмий-педагогик семи-

нарларда иштирок этиб, ўзаро фикр алмашмоқда.

...28 сентябрь кунини мамлакатимиз таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва жонкуяр мураббийлар пойтахтимиздаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик мо-

нументи пойига гуллар қўйилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди-лар.

(Давоми 3-бетда)

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ


(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Тошкентда куриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мазкур йўналишда изчил давом этаётган ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир. Ушбу муҳташам мажмуа барча футбол мухлислари, бутун халқимизга муносиб совға бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов ғояси ва тақлифлари асосида барпо этилган «Бунёдкор» спорт мажмуаси ўзининг ноёб меъморий ва муҳандислик ечими, бетакрор дизайни билан пойтахтимиз кўрқига кўрк қўшди. Энг замонавий талаблар асосида барпо этилган ушбу мажмуада футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар, мухлислар учун барча шароитлар ва қулайликлар яратилган.

Президентимиз ташаббуси асосида бунёд этилаётган бундай замонавий спорт иншоотлари ўзбек футболни жаҳон талаблари даражасида тараққий эттириш йўлидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлади, — дейди Республика Олимпия заҳиралари коллежи директори Мурод Алиев.

...Майдонга «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақаларини ақс эттирувчи бадий ва спорт жамоалари чиқадилар. Улар ихросида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ўртасида спортни, шу жумладан, футболни омалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ифода этувчи бадий композициялар намоиш этилди.



Ўзбекистон — иқтидорларга бой юрт. Шу жумладан, футбол бўйича ҳам. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, айна пайтда қатор мамлакатлар томонидан ноёб тажриба сифатида ўрганилаётган болалар спортини ривожлантириш тизимида болалар ва ўсмирлар футболни тараққий эттириш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Зеро, болалар футболни рақнақ топтирмасдан, юқори савиядаги катталар футболга эришиб бўлмайди. Мамлакатимиздаги кўплаб болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари ва академиялари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия заҳиралари коллежларида маҳоратли футболчилар авлоди тайёрланмоқда.

Ўзбекистон футболни ривожлантириш бўйича Осиёдаги етакчи мамлакатлардан биридир. Миллий футболимизда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) талаблари асосида профессионал кадрларни тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

... Болалар бадий жамоалари, акробатлар, гимнастикачилар, хореография ва спорт жамоалари, эстрада хонандаларининг ранг-баранг чиқишлари байрам тантанасига ўзгача шуқуқ бағишлади.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

АКТ ҳафталиги

ИНТЕРНЕТ-ПРОВАЙДИНГ:

МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Бугунги глобаллашув даврида фаолиятнинг бирон-бир соҳасини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур соҳанинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда глобал тармоқда маҳаллий ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда маълумотлар билан ишлаш марказлари бозорини ривожлантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ахборот маконини шакллантириш бўйича вазифалар аниқ белгиланган. Мазкур ҳужжатда мамлакатимизда яқин истиқболда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўллари аниқ кўрсатилгани миллий ахборот жамиятини шакллантириш бўйича изчил ва жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган АКТ ҳафталиги давлатимиз томонидан мазкур секторга қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Ҳафталик доирасида Халқ истеъмол молларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика марказида Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ходимлари, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон интернет-провайдерлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Анжуман давомида провайдерлар томонидан интернет-хизматлар кўрсатишнинг бугунги аҳоли муҳокама этилди. Мамлакатимизда шаклланган интернет-провайдинг тармоғи энг тезкор ахборот олишнинг муҳим манбаи ҳисобланади, аммо соҳада АКТнинг мазкур секторида истиқ-

болларни янада ривожлантиришга монелик қилаётган, бартараф этилиши зарур бўлган муаммо ва тўсиқлар ҳам йўқ эмас.

Давра суҳбатида аҳолига интернет тармоғига уланишга доир ва бутунжаҳон тармоғи билан боғлиқ бошқа хизматларни кўрсатиш, шунингдек, Узнетни янада ривожлантириш масалалари батафсил муҳокама этилди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси провайдерлар учун ташқи канал интернет-хизматлари нархларини яна бир бор пасайтирилганлигига, натижада тарифлар жорий йилнинг ўзига 13 фоизга арзонлашганига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги икки йил давомида провайдерлар учун тарифлар 3 баробардан ортиқ арзонлашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорига 40 дан ортиқ провайдерлар фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Sarkor Telecom» бош директори Рустам Фозиев ЎЗА мухбирига. — Тадбирда биз интернет-провайдингни янада ривожлантиришга доир кенг қўламли ташкилий, техник, ҳуқуқий масалаларни муҳокама қилдик. Яқин келажақда йиғилиш ўтказилиб, унда шу масалалар бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинади.

Ўзбекистон провайдерларининг алоқа операторларига яқка тартибдаги ва корпоратив фойдаланувчилар трафиғи учун алоҳида каналлар ажратувчи «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси билан ҳамкорлиги масалалари кенг мунозарага сабаб бўлди. Шу муносабат билан трафик сифатини янада яхшилаш, захира каналлини ажратиш, нарх-наво сиёсатини такомиллаштириш бўйича тасвия ва тақлифлар билдирилди.

Фикр алмашишлар давомида Ўзбекистонда бугунги кунда оптик-толали алоқа линияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун катта имкониятлар мавжуд эканлиги алоҳида таъкидланди.

Аҳамбек РАШИДБЕКОВ

Ғолибларни тақдирлаш маросими Тошкент шаҳридаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистонда ўтказилаётган Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги («INFOCOM-2012») доирасида бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, фестиваль ҳайъати иштирокчиларни саралашга жуда юқори мезонлар билан ёндашди. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, фестивалга тақдим этилган мингдан ортиқ талабномадан фақат 541 сайт танлов дастурига киритилди. Тақдим этилган ишлар ўзининг дизайни, фойдаланувчилар учун яратилган қулайлиги ва интернет-фаоллиги каби мезонларга жавоб бериши шарт эди. Веб-сайтнинг мазмуни (контент), функционалликни оширадиган турли технологиялар, шу жумладан, ўзи ишлаб чиққан иш усулларидаги фойдаланганлик жиҳатлари ҳам эътиборга олинди. Бунда ҳайъат сайтларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда контентга баҳо бериш учун тор доирадаги мушаррафларнинг жалб этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Ушбу мезонларнинг барчасини ҳисобга олганда www.soliq.uz веб-сайтининг ғолиб, деб топиллиши кутилган натижа бўлди. Буни ўтган йилда сайтга бўлган мурожаатлар сонининг 1 250 272 тани ташкил этгани ҳолда, ушбу рақам жорий йилнинг январь-сентябрь ойларигача бўлган даврда 17 493 600 тадан ошиб кетгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

www.soliq.uz сайтининг муваффақияти ва оммабоплиги нимада, деган саволга Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг ахборот хизмати раҳбари Комил Алламжонов шундай жавоб берди: — Аввало, сайтни яратишдан олдин биз ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўргандик ва солиқ тўловчилар учун энг илғор ва энг қулай жиҳатларни ўзига муҳассас этган йўлни танладик. Лекин бизнинг энг катта ютуғимиз сайтимиздан фойдаланувчилар билан ўзаро алоқани муштахкамлашга алоҳида эътибор қаратаётганимизда. Шу йўл билан биз сайтдан фойдаланувчилар нима хоҳлашини, уларга қайси жиҳатлар маъқул келмоқда, нима-лар маъқул бўлмаётир, сайтда нималарни яхшилаш керак ва такомиллаштириш зарур — ҳаммасини билишга ва

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти «Миллий UZ домени 2012» интернет-фестивалининг «Давлат бошқаруви органи соҳасидаги энг яхши сайт» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади.

тўғрилашга ҳаракат қиял-миз.

Олдимизга қўйилган устувор вазифалардан бири бу — сайтимиз орқали ҳам жисмоний шахс, ҳам юридик шахс бўлган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун сифатли интерактив хизматларни кўрсатишга эришишдир. Дастлаб интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган 2007 йилда улар саккиз турда бўлиб, асосан солиқ тўловчилар учун Давлат

Яна бир долзарб ва оммабоп хизмат — «Солиқ солиш масалалари юзасидан давлат солиқ органларининг расмий тушунтиришлари» хизматидир. Республикаимизда солиқ қонунчилиги энг тез ўзгаришлар қиритилаётган ва такомиллашиб бораётган қонунчилик ҳужжатларидандир. Солиқ солиш соҳасида янги қонунчилик ва норматив ҳужжат қабул қилинаётганда, солиқ тўловчиларда доимо хато қилмаслик учун уни тўғри талқин қилиш бўйича саволлар юзага келади. Эндиликда бу борада уларда узоқ кутиш ёки хат ёзишларга зарурат қолмади. Сайтда ушбу хизмат тугмасини босиб, солиқ қонунчилиги билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни

топиш ва зарур ахборотни олиш имконияти мавжуд. Яна бир жорий этилган «Қўп учрайдиган саволлар» хизматини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Ушбу хизмат солиқ солиш билан боғлиқ барча жиҳатларни батафсил қамраб олади. Унинг базаси ўз ичига бир неча минг савол-жавобни олган. Мазкур хизмат орқали солиқ тўловчи ўз фаолиятида солиқ тўлови билан боғлиқ энг қўп учрайдиган ва зарур бўладиган барча савол, тушунча ва жиҳатлардан электрон кўринишда фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, «Жисмоний шахслар солиқлари бўйича маслаҳатчи» номли хизмат жорий этилди. Унинг ёрдамида шу тоифадаги солиқ тўловчилар солиқларнинг муддатлари ва тўлаш механизми ҳақида учрайдиган барча саволлар юзасидан батафсил ахборот олишлари мумкин.

Албатта, юқори даражадаги профессионал хайъат томонидан жамоа меҳнати — Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг веб-сайти фаолияти юқори баҳоланганлигидан жуда мамнунмиз. Лекин айна вақтда бу зиммани мизга янада катта масъулият юклайди. Бизнинг асосий мақсадимиз нафақат сайтдан шарт бўлган ушбу қарордан унда кўриб чиқилган масалаларга ўхшаш муаммоларни ҳал этишда ҳам фойдаланиш мумкин.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги Фармойишига биноан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Республикада ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва унинг Концепцияси лойиҳаларини тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар кенг муҳокама қилинди.

● «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлиmlари ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси вакилларида иборат маданий-маърифий тарғибот гуруҳи томонидан пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида Наманган вилоятида турли маданий-маърифий тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Мингбулоқ туманидаги «Сайдали хожи» фермер хўжалигида бўлиб ўтди. Мазкур адабий учрашувда ёзувчи Улугбек Ҳамдам, шоир Икром Отамурод каби бир қатор таниқли ижодкорлар иштирок этди.

● Яна санокли кунлардан сўнг Тошкентда маданият ва санъат йўналишидаги нуфузли халқаро тадбир — «Art Week Style. Uz — 2012» ҳафталиги бошланади. Маълумки, мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан бу йил еттинчи бор ўтказилмоқда. Модалар, театр, кино, мусиқа ва санъатга оид бири-бирдан қизиқарли лойиҳаларни ўз ичига олган ушбу ижод байрами бу гал ҳам жаҳонга машҳур санъат арбоблари, маданият намояндалари, истеъдодли ижодкорлар ва юзлаб гўзаллик ихлосмандларини бир ерга жамлайди.

ЖАҲОНДА

● Франциялик олимлар полимердан тайёрланган махсус ускуна ёрдамида ёмғирдан электр ҳосил қилишга эришдилар. Мутахассисларнинг айтишича, қалинлиги йиғирма беш микрометрга тенг мазкур ускунага урилган ёмғир томчиси механик тебранишини юзага келтириб, қисқа муддатли электр энергиясини ҳосил қилиш имконини беради. Маълумотларга кўра, мазкур технологиядан унчалик катта қувват талаб этилмайди.

● Британиянинг Ньюарк шаҳрида истиқомат қилувчи 68 ёшли нафақахўр Питер Глэйзбрук улкан пиезларни етиштириш бўйича ўз рекордини янгилади. У оммага оғирлиги 8,2 кг келадиган пиезни тақдим этди. Глэйзбрук томонидан бундан олдин етиштирилган ва Гиннес рекордлар китобида экспертлари томонидан энг катта деб тан олинган пиез фермернинг бу сафарги сабзавотидан деярли 60 граммга енгил. Тиниб-тинчимас британиялик бу билан чеклангани йўқ. Пенсиядаги топограф Гиннес рекордлар китоби вакилларига оғирлиги 37 кг дан ортиқ улкан қарамни ҳам намойиш этди. Нафақахўр қарамни кўтара олмади, уни ёрдамчилари бог аравасида олиб келишди.

● «Apple» компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги iPhone-5 мобил телефони харидорлиғи билан рекорд ўрнатди. Уч кунда компания беш миллион донна махсулотини сотган. Австралия, Буюк Британия, Германия, Канада, Сингапур, АҚШ, Франция ва Японияда сотувга чиқарилган мазкур мобил телефонларни яна йиғирмадан зиёд давлатда харидорлар эътиборига ҳавола қилиш режалаштирилган. Маълумотларга кўра, iOS-6 операция тизими ёрдамида бошқарилувчи бу янги алоқа воситалари ҳажмининг катталлиги ва хотирасининг юқорилиги билан аввалгиларидан кескин фарқ қилади.

● Японияда инсон қўлининг қафти билан ишга тушувчи банкоматлар жорий қилинди. Бундай банкоматлардан фойдаланувчи киши энди банк карточкаларисиз ҳам ўз ҳисобидан пул ечиб олиш, ҳисобиданги пул маблағини текшириш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун фойдаланувчи қафтини қурилмага босади ва туғилган санаси, пин-коднинг тиради, холос. Бундай янги банкоматлардан фойдаланувчи мижоз ўз биометрик маълумотларини электрон карточкаси рўйхатдан ўтган банкка тақдим этиши лозим.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу куни «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбирига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илгор ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2012 йил 27 сентябрдаги фармонида мувофиқ, Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Ватанимизнинг тараққиёт йўлидан дари олдимиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимиз иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий салоҳияти юксалиб боришининг муҳим воситаларидан бири бўлган таълим соҳаси изчил ривожлантирилмоқда.

Бу жараёнда ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, самарали меҳнат қилиши, ишга ижодий ёндашиши, изланиши учун барча шароит ва имкониятларни яратишга оид кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Ёшларга пухта билим бериш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида камолга етказиш, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунарга йўналтиришга оид эзгу сазой-ҳаракатлар ҳорижий мамлакатларда ҳам ибрат олишга аргизулиш модели сифатида юксак баҳоланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантириш

ни қулайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори тизимдаги ишларни давр талабига мос тарзда йўлга қўйиш, истеъдодли, фидойи педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ўқитувчилар масъулиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бундай рағбат ва эътибор юртимиздаги 10 мингга яқин мактабда меҳнат қилаётган 416 мингдан зиёд ўқитувчилар фаолиятида ўз ақсини топмоқда. Жумладан, халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдори бир неча баробар ошди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, синф раҳбарлиги, ўқув кабинетлари ва лабораториялар мудирилиги учун қўшимча ҳақлар белгиланди. Давлат таълим стандартларига мувофиқ, ўқитувчилар учун педагогик юктамалар маъбуллаштирилди. Бу педагог кадрларнинг малака ва маҳоратини янада юксалтириш, ёшлар таълим-тарбиясидаги масъулиятини ошириш, таълим масканларини ўқитувчи кадрлар билан тўлиқ таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Доимий ғамхўрлик, улкан рағбат, чексиз меҳр ва эътибор ўқитувчиларни ўз ўстида ишлаши ва изланишида, таълим жараёнига илгор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Устоз-шогирд мактаби», «Дарс — муқаддас!», «Ўрган — ўргат!» маърифий лойиҳалари илгор педагогларнинг малака ва маҳоратини янада юксалтиришга, намунали иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самаралари жаҳоннинг кўпгина давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кенг эътироф этилмоқда. Франциянинг «Inseed» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси» маърузасига асосланиб тайёrlанган қийсий ахборотда Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллагани бунинг ёрқин далилидир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ барча мактабгача таълим масканлари, мактаблар, касб-хунар коллежларида турли ташкилот ва идоралар,



маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари иштирокида Васийлик кенгашларининг фаолият бошлагани ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилашда, фанларни ўзлаштиришда янги имкониятларни очмоқда. Айни пайтда оила, маҳалла, таълим маскани ўртасидаги ҳамкорлиқнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ёшларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-хунарга йўналтириш, миллий ҳаёт тарзимидаги ёт ғоялар, «оммавий маданият»нинг зарари таъсиридан ишончли ҳимоялаш, билим олишга бўлган иштиёқи ва қизиқишини тобора оширишга хизмат қилмоқда.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши зиёлиларимизга, жонқуяр муаллимлар, устоз ва педагогларга қучур ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир, — дейди Ўзбекистон Қарамоми, Ўрганч автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи директори Эгамберган Каримов. — Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилган бундай эътибор ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш, маънавиятини юксалтириш, турли хавф-хатарлар тобора қучайиб бораётган бугунги замонада ўзининг қимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини тегаран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам авлодни тарбиялашда бизга катта мадад ва қуч-қувват бағишлайди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Наманган шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Муҳаммад Иzzатуллаева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳакимов навқирон авлод камолоти, ўқитувчиларга кўрсатилган чексиз ғамхўрликни улғулоччи шеърларини ўқиб берди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб директори» республика кўрик-танловлари ғолиблари дипломлар топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкентда «Экспортга йўналтирилган маркетинг» мавзuida семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, мамлакатимизнинг қатор акциядорлик компаниялари ва жамиятлари вакиллари, Япониянинг Саноат ва инсон ресурсларини ривожлантириш уюшмаси мутахассислари иштирок этди.

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси расисининг биринчи ўринбосари С.Фафоров Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, хусусийлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мазкур семинар-тренинг давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2011 йил февралда ойда Японияга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш дав-

лат қўмитаси билан Япониянинг Саноат ва инсон ресурсларини ривожлантириш уюшмаси ўртасида кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича имзоланган ўзаро англашув ва ҳамкорликка оид меморандумга биноан ташкил этилди. Тадбирдан қўзланган асосий мақсад экспортга йўналтирилган маркетинг тизimini ташкил этиш ва корпоратив бошқариш масалалари бўйича мутахассислар малакасини оширишдан иборат. Жорий йилнинг февраль-март ойларида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Тошкент трактор заво-

ди» очик акциядорлик жамияти, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари каби идоралар мутахассислари Японияда ташкил этилган технологик менежмент, сифат бошқаруви ва корпоратив бошқаруви каби йўналишлар бўйича ўқув курсларини муваффақиятли якунлади. Анжуманда маркетинг стратегияси ва уни амалга ошириш усуллари, бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга оид мавзулардаги маърузалар тингланди. Семинар-тренинг иштирокчилари экспортга йўналтирилган маркетинг тизimini ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

(ЎЗА)

Санъат

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

«Рақамли интерактив телевидение» ибораси тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси мутахассисларнинг изланишлари самараси ўлароқ амалиётга жорий этилаётган бу тизим ўзининг қатор афзалликларига эга.

Компания матбуот хизматидан маълум қилинишича, бу лойиҳа рақамли телевидениенинг янги авлоди ҳисобланади. Лойиҳанинг асосий афзаллиги шундаки, интерактив видео хизмати ва кенг турдаги қўшимча тўпламини тақдим этиш имкони бор. Хусусан, талаб бўйича видео, телекўрсатувларни ёзиш тизими, эълонлар тахтаси ва кенг миқёсда хабар бериш ҳам рақамли интерактив телевидение хизмати орқали амалга оширилади. Бу эса «Ўзбектелеком»нинг кенг полсалани уланishi хизматидан абонентларнинг фойдаланишлари учун қўлайлик яратди.

Интерфаол хизмат турлари ҳамда электрон хизматлар солиқ tizimida ҳам кенг қўлланилмоқда.

ЭЛЕКТРОН ИМЗОДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

«Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш» хизмати ҳам самарали кечмоқда. Бинобарин, ушбу хизмат орқали солиқ ва молия ҳисоботларини давлат солиқ хизмати органларига электрон шаклда юбориш ҳам йўлга қўйилди.

Республика Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизматининг маълум қилишича, бундай ҳисоботни тақдим этишда электрон рақамли имзодан фойдаланилади.

Электрон ҳисобот топширишининг қатор афзаллик томонлари мавжуд. Шу боис тадбиркорлар унга катта қизиқиш билан ёндашмоқдалар. Ушбу тизимдан фойдаланувчилар сони жорий йилнинг беш ойида деярли 206,3 мингга етди. Бу солиқ ҳисоботларини тақдим этиш зарур бўлган корхоналарнинг сони анча ошганини кўрсатади. Масаланинг муҳим томони яна шундаки, жорий йилнинг ўтган даврида солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг аксарияти электрон шаклда тақдим бўлган катта ҳажмдаги қороз иктисод қилинмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Янги лойиҳалар

ЭКОЛОГИК АХБОРОТНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Марказий Осиё минтақавий экологик Маркази билан ҳамкорликда «Экологик ахборотнинг ҳамкорликдаги тизими (SEIS) бўйича бохобарликни ошириш» мавзусида ўтказган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиати муҳофаза қилиш ва Статистика қўмиталари, Ўзгидромет ва экологик маълумотларни тўплаб, тарқатувчи вазирлик ва идоралар, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссияси (МКВК) Илмий-ахборот Маркази мутахассислари, экспертлар ҳамда халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

ЕвроИттифоқнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Норбер Жустен ва ижрочи директори Тобиас Султонов ушбу АWARE лойиҳасининг 2012-2014 йилларда Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонда амалга оширилиши режалаштирилганини маълум қилиб, ушбу лойиҳа ўз олдига қўйган вазифаларга иштирокчилар эътиборини қаратдилар.

АWAREнинг (офиси Алматы шаҳрида) ижрочи директори Талайбек Макевнинг маълум қилишича, ушбу Паньевропа регионидagi экологик ахборотнинг ҳамкорликдаги тизими (SEIS) лойиҳаси қўйидаги 3 та йўналиш бўйича амалга оширилади:

— сув ресурсларини бошқаришдаги камчиликларни енгитишга қаратилган чора сифатида ишлаб иш қайтарилган сувларни қайтадан сув таъминотида ишлатиш тўғрисида бохобарликни ошириш;

— экологик ахборотнинг ҳамкорликдаги тизими (SEIS) каби бошқа кўп қўлланиладиган амалиётлар тўғрисида бохобарликни ошириш;

— бохобарликни ошириш йўли орқали давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлиқнинг муҳим компоненти булган барқарор фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва энергиядан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш жараёнига хусусий секторнинг жалб қилинишини таъминлаш.

Алматидан ташриф буюришган лойиҳа менежери Вероника Юдина, лойиҳа мутахассиси Акмарал Мукаева ва АWAREнинг халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи — лойиҳанинг миллий координатори Людмила Аксёновалар тадбир иштирокчилари билан лойиҳанинг ушбу йўналишларини амалга оши-

риш бўйича амалий машғулот — тренинг дарслари ўтказдилар.

Тадбир давомида иштирокчилар АWARE лойиҳасининг Марказий Осиёдаги мақсад ва вазифалари ҳамда уни Ўзбекистонда амалга ошириш режалари билан танишиб, экологик ахборотнинг ҳамкорликдаги тизими (SEIS)ни Паньевропа минтақасида йўлга қўйиш тажрибаси ҳамда уни Ўзбекистонда татбиқ этиш эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотларни олдилар.

Анжуманда иштирок этган Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари экологик маълумотларни тўплаш ва тарқатиш соҳасидаги ўз давлатларининг тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

АWARE лойиҳаси тўғрисидаги маълумотлар билан www.caresd.net порталининг «Информацион компаниялар» бўлимида танишиш мумкинлиги маълум қилинди.

Тошкент шаҳридаги «Поитат» бизнес марказида, «Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни яхшилаш учун экологик масалалар бўйича бохобарликни максимал даражада (АWARE)» лойиҳасининг Ўзбекистондаги тақдироти доирасида ташкил этилган ушбу анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси расисининг ўринбосари Камолитдин Содиқов ушбу лойиҳани амалга оширилиши Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши Давлат дастури доирасида ҳам муҳим ва долзарблигини таъкидлади ҳамда тадбир ташкилотчиларига сермазмон программаси учун миннатдорчилик билдирди.

Мирқасим МИРСОУРОВА,
«ЭКОСА» халқаро жамоат фонди бўлими бошлиғи

Сўранг, жавоб берамиз

Ишончноманинг амал қилиш муддати тугаганида ёки бекор бўлганида унинг қайтарилиши талаб этиладими ёки шарт эмаси?

Б.Худайров,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган тартиб-қоидага қўра, ишончнома кўпи билан уч йил муддатда берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кўчини сақлайди.

Берилган кўпи кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас. Нотариус томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасининг ташқаридида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилинганга қўра кўчани сақлайди.

Ишончнома олган шахсининг ишончнома бекор бўлганини билганга ёки билиши лозим бўлганидан кейин қўйган ҳаракатлари ишончнома берган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни ву-жудга келтирмайди.

Шунингдек, ишончноманинг амал қилиши бекор бўлганидан кейин ишончнома олган шахс ёки унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) дарҳол ишончномани қайтариб беришлари шарт эканлиги белгиланган.

Лутфихон АХМЕДОВА,
Камилла ЗУФАРОВА,
Мирзо Улугбек тумани
ДНИ нотариуслари

Яқинда «PayNet» компанияси тамғаси қўйилган шохобча хизматидан фойдаландим, ҳақ тўланганлиги тўғрисидаги чеки олиб қарасам, унда мутлақо бошқа компаниянинг номи ёзилган экан. Айтинг-чи, бундай ҳолатда «савдо белгиси» бўйича муаллифлик ҳуқуқи бузилган эмасми?

А.Чиниев,

Шайхонтохур тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига асосан:

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси — бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ҳамда хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир. Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан шу қўйида қайд этилган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади. Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказиш мумкинлиги белгиланган.

Бундай ҳолатда товар белгисининг эгаси, яъни «PayNet» компанияси товар белгисидан фойдаланиши ва уни тасарруф этишда мутлақ ҳуқуқларга эгадир. Бошқа бир компаниянинг шохобчаси хизматидида «PayNet» компанияси товар белгисидан фойдаланиши товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлардан ноқонуний равишда фойдаланётганлигини англатади. Бунинг учун эса ўша компаниянинг жавобгарлиққа тортилиши учун асос бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Саидмурод АГЗАМОВ,
Сайфи БОБОНИЁЗОВ,
Сергели тумани ДНИ нотариуслари

Ота-онам ўзларига тегишли бўлган ҳовли-жойни биз фарзандларига васият қилиб қолдирмоқчи. Бунда ҳовлининг қанча қисми қайси меросхўрга тегишли экани васиятномада кўрсатилиши керакми?

Г. Азизова,
Сергели тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига асосан:

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини — вафот этган тақдирда тасарруф этиш ҳусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вақил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қарадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрлар меросдан маҳрум этилиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан таътиб этилмайди.

Ҳовлининг қанча қисми меросхўрга тегишлилиги васиятномада белгиланади. Меросхўрга васиятномада кўрсатилган қисмига унинг розилигисиз ҳеч қим эғалик қилишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Саидхон ЭШОНХОНОВ,
Алишер ХИДИРОВ,
Юнусобод тумани
ДНИ нотариуслари

Нотариал тасдиқланган васиятнома қандай тартибда расмийлаштирилади? Бу жараёнда махфий васиятнома ҳам тасдиқланиши мумкин экан. Унинг тартиби қандай?

Н.Саломова,
Яккасарой тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1125-моддаси «НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНГАН ВАСИЯТНОМА» деб номланган бўлиб, унга қўра:

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан, яъни ёзув машинаси ёки шахсий компьютердан фойдаланилиши мумкин.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшитирилади. Бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига қўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмунини билан танишиб чиқилмасдан, яъни махфий васиятнома тарзида тасдиқланиши ҳам мумкин.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик ҳақи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзоланиши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилда солиниб, хатжилд елимланиши лозим. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исми ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилда имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилда солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади. Унга нотариус тасдиқлаш устатини ёзиб қўяди.

Ботир НАМОЗОВ,
Умида БОЗОРОВА,
Шайхонтохур тумани 9-сонли
ДНИ нотариуслари

ТАБИЙИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ АХОЛИСИ ДИҚҚАТГА!

Газетанинг 2012 йил 26 сентябрдаги 197-сонидида чоп этилган «Табиий газдан фойдаланувчи Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига» номли эълоннинг Эслатмасида хатоликка йўл қўйилган.

5-12 сентябрь кунлари Зарбли мусиқа асбоблари йўналиши бўйича Италиянинг Фемо шаҳрида ёш ижрочиларнинг X Халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 47 мамлакатидан ташриф буюрган иқтидорли ижрочилар ўзаро беллашдилар. Нуфузли танловда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг уч нафар ўқувчиси — П.Шодмонов, Ш. Облобердиев, З. Жўрабоевлар олтин медалларни қўлга киритиб, ёруғ юз билан юртимизга қайтиб келишди.



Ўқув муассасаларида

ИТАЛИЯДАН ОЛТИН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшлар таълим-тарбияси борасида олиб борилаётган ишлар, жумладан таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, етук кадрларни тайёрлаш масаласи, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, маънавий-ахлоқий, миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, ёшларни глобализация жараёнида ёт гоё ва мафқураларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш, уларнинг иқтидорини янада шакллантириш борасида катта самара бермоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори Зулфиқор Холмирзаев биз билан суҳбатда. — Буни таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича пойтахтимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кун ёшлари ўз билимларининг юксак натижаларини дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам кенг намоён этиб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ёшларимизни ҳар томонлама салоҳиятли, юксак онгли, етук инсонлар қилиб тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан биридир... Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаби жорий йилда ҳам жуда қўллаб-қувватланадиган бўлади.

ларни қўлга киритди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Санъат гунчалари» кўрик-танловида ўқув муассасасининг 52 нафар ўқувчиси иштирок этди. Шундан 45 нафари голибликни қўлга киритди. Жумладан, уч нафар ўқувчи Гран-при, 13 нафари биринчи ўринни, 14 нафари иккинчи, 6 таси учинчи ва яна олти нафари эса «Умидли» деб номланган соврин билан тақдирланди.

18-23 август кунлари Владимир шаҳрида ёш расомларнинг IX Халқаро болалар-ўсмирлар пленарида академик лицейининг ўқитувчиси А. Нурқобилов раҳбарлигидаги тўрт нафар ўқувчи — А.Раҳимбердиев, И.Гатаулин, Ж.Кубаев ва М. Ҳафизова расмий таклиф асосида иштирок этдилар. Ушбу танловда 16 мамлакатдан 160 нафар иштирокчилар қатнашди. «Яблочный спас» номинациясида ҳамда «Рисуем портрет друга» очик пленарида ўқув масканининг иқтидорли ўқувчиси Муҳаддас Ҳафизова 1-даражали диплом билан тақдирланди. Педагоглар орасида ўтказилган «О красив ты, земля Владимирова» йўналишидаги босқичда ўқитувчи А. Нурқобилов 1-даражали дипломга сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи фаолияти билан танишар эканмиз ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан қўлга киритилаётган улкан ютуқлардан кўнгилмиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади.

Мазкур ўқув муассасасида ўқувчиларнинг ўз онглари ошадиришлари, иқтидорларини янада шакллантиришлари учун барча шарт-шароитлар етарли. Спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Шу йилнинг ёз ва баҳор ойлари давомида шарқ яккакурашининг айкидо ва каратэ турлари бўйича Россия, Украина, Португалия давлатларида ўтказилган мусобақаларда улар юқори натижаларга эришиб, махсус диплом ва совғалар билан тақдирландилар.

Қўлга киритилаётган ҳар бир ютуқ ортида ўқув муассасасида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатлари бисёр. Бугунги ёш авлод эртанги кунимизнинг нурли давомчиларидир. Ёшларни ҳар томонлама истеъдодли, теран тафаккурли, сеҳли ва меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашда устоз-ўқитувчиларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф ва таҳсинга лойиқ

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: ўқув муассаса фаолиятидан лавҳа

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида амалга оширилган «Сут — мактаблар учун» лойиҳаси бўйича якуний анжуман бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, шифокорлар, ўқитувчилар, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А. Холбеков, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Комилов ва бошқалар мамлакатимизда болалар саломатлигини муҳофазалаш, уларни баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш масалалари доимий эътиборда эканини таъкидлади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар ҳажми янада ортмоқда. Хусусан, аҳолини фортификатланган ун, йодланган туз билан, айниқса, болаларнинг сифатли овқатлашнинг таъминлаш, микронутриентлар етишмовчилигининг олдини олиш юзасидан соғломлаштириш лойиҳалари, ижтимоий акциялар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Сут — мактаблар учун» лойиҳаси шулар жумласидандир. Лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудлари-

даги 44 умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари ўлтрапастеризацияланган сут билан таъминланди. Уларнинг саломатлиги шифокорлар томонидан кузатиб ва таҳлил қилиб борилди. Натижада болаларнинг ўсиши, ривожланиши, улар организмидagi моддалар алмашинуви яхшилангани кузатилди. Лойиҳа доирасида мутахассислар, шифокорлар, педагоглар, ота-оналар иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид туркум анжуманлар ўтказилди.

— Сут кимёвий таркиби бўйича инсон қонига энг яқин бўлган фойдали маҳсулотдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг овқатланиш гигиенаси бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори А. Худойбергенов. — Шу боис мунтазам сут истеъмол қилиш болаларнинг саломатлиги, фанларини ўзлаштириши, физиологик, психологик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, бошланғич синфлардаги болалар истеъмол қилаётган сутнинг сифатли, ишончли, экологик тоза ва хавфсиз бўлиши жуда муҳимдир.

Анжуманда «Сут — мактаблар учун» лойиҳаси қамровини янада кенгайтиришга оид амалий таклиф ва режалар белгилаб олинди.

(ЎЗА)

Спорт янгиликлари

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигаси беллашувлари якунланишига беш тур қолганида чемпионлик учун кураш асосан «Бунёкдор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида ўтмоқда.

Мусобақа жадвалини бошқариб бораётган амалдаги чемпион — «Бунёкдор» 21-турда Бекободдан уч очко билан қайтди. «Металлург» жамоасига қарши ўйинда Ян Козак ҳисобни очган бўлса, Анваржон Солиев «дубль»га эришди. Учрашув якунланиши арафасида Шаҳзодбек Нурматов бекободликларнинг ягона жавоб тўпини киритди. Ушбу ғалабадан сўнг «Бунёкдор»нинг очколари сони 45 тага етди.

Турнинг марказий учрашуви пойтахтда бўлди. Пешқадамдан бир очко ортда қолаётган «Пахтакор» футболчилари ўз майдонида «Локомотив» жамоасини қабул қилди. Саккиз турдан бери мағлубиятга учрамай келаётган меҳмонлар «Пахтакор» устунлигини тан олиш-

БАҲС ДАВОМ ЭТМОҚДА

га мажбур бўлди. Станислав Андреев ва Темураҳжа Абдухаликовнинг голлари мезбонларга 2:1 ҳисобида ғалаба келтирди. «Локомотив»нинг ягона голи Зайниддин Тохиев ҳисобига ёзилди.

Учинчи ўринда бораётган «Насф» жамоаси Қашқадарё «дерби»сида «Машъал» дарвозасига жавобсиз учта тўп киритиб, олий лигада қолиш учун курашаётган муборақчиларни янада қийин аҳволга солиб қўйди. Яна бир аутсайдер — «Андижон» футболчилари Фарғонада «Нефтчи» жамоаси меҳ-

мони бўлди ва ўз дарвозасидан бир жуфт гол ўтказиб юборди. Учрашувда «дубль»га эришган Анвар Бердиев голлари сонини 16 тага етказиб, тўпурарлар баҳсида етакчилик қилмоқда.

Самарқанднинг «Динамо» жамоаси эса ўз муҳлислари кўз ўнгидида «Қизилқум»ни 3:0 ҳисобида енгди. Илҳом Бойдадаев, Рузимбой Аҳмедов ва Леонид Кошелевнинг голлари «Динамо»ни саккизинчи ғалабага олиб чиқди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Эронда бўлиб ўтаётган 2012 йилги ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг гуруҳ босқичи 1-2 тур учрашувлари якунига етди. Иккала тур якунига кўра, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ масаласини тўлиқ ҳал қилди дея олмаймиз, албатта.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мусобақадаги илк учрашуви ҳиндистонлик ўсмирларга қарши ўтказиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Уйндан кейинги матбуот анжуманида ўз фикрлари билан ўртоқлашаркан, ўзбекистонлик ўсмирлар бош мураббийи Дилшод Нуралиев саралаш баҳсларида Ҳиндистонга қарши ўйинда қайд этилган йирик ҳисобдаги натижа (9:0) финал босқичдаги ўйинга ўз таъсирини кўрсатганини таъкидлаб ўтди. Ҳиндистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Кольм Тоалнини сўзларига кўра, Осиёнинг энг яқини жамоаларидан бири дарвозасига иккита гол киритилгани Ҳиндистон термасида ўсиш борлигини яққол кўрсатган.

1-турдан сўнг Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси уч очко билан гуруҳда яқна пешқадам бўлиб турган эди. Ҳиндистон терма жамоаси эса Хитой ва Суриядан кўра кўпроқ гол урганига қарамай, Ўзбекистонга қарши ўйиндаги мағлубият сабаб бирорта ҳам очко жамғармадан гуруҳда энг сўнгги ўринга лойиқ қўрилди. 25 сентябрь кунини Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ босқичи 2-тур ўйинлари доирасида Хитой терма жамоасига қарши майдонга чиқди. Уйин 1:1 ҳисобидаги дуранд натижа билан якунланди. Квартетнинг 3-вакили Сурия терма жамоаси Ҳиндистон билан баҳс олиб борди.

«Бу футбол ва ушбу спорт турида баъзан шундай ҳолатлар бўлиб туради. Биз ўзимиз юзага келтирган вазиятлардан фойдалана олмасдан, бугунги ўйинда ғалаба қозона олмадик», — деб иқтибос қилди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи ОАВга берган интервьюсида.

Хитой терма жамоаси мусобақадаги илк учрашувини Сурия терма жамоасига қарши ўтказган эди. Хитойликлар

ўша ўйинда биринчи бўлиб ҳисобни очганликларига қарамай, ўйин якунланишига санокли сониялар қолганида ўз дарвозаларидан гол ўтказиб юборишганди. Ушанда хитойликлар устози бу вазиятни шогирдлари толиқиб қолгани билан изоҳлаганди.

«Режамизга кўра, биз ўйин бошидан ташаббусни ўз қўлимизга олиб, ундан унумли фойдаланишимиз лозим эди. Уйин давомида биз қатор қўлай имкониятларга эга бўлдик, бироқ улардан фойдалана олмадик. Кейинги ўйинда мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратамиз», — дейди Нуралиев сўзини тугатар экан.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Хитойни мағлуб эта олганида, кейинги босқич масаласини муддатидан аввал ҳал қилиб қўйган бўларди. Энди эса сўнгги турда Сурияга қарши ўйинда ижобий натижага эришиш керак.

«О» гуруҳи жамоалари плей-офф дастлабки чемпионати йўлланмаси учун «С» гуруҳи вакилларига қарши майдонга чиқишади. Ушбу гуруҳдан жой олган Шимолий ва Жанубий Корея, шунингдек, Япония ҳамда Саудия Арабистони терма жамоалари ҳам ўзларининг илк учрашувларини 23 сентябрь кунини ўтказишди. Мусобақанинг амалдаги голиби ҳисобланган Шимолий Корея ўсмирлар терма жамоаси Жанубий Кореяга 0:3 ҳисобида имкониятнинг бой берган бўлса, Япония терма жамоаси Саудия Арабистони дарвозасига жавобсиз иккита гол урди. Шундай қилиб, «С» гуруҳида 1-турдан оқ қўшпешқадамлик ўрнатилди.

Раббонакул МУХТОРОВ

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД ДОМО БИЎЎР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳар нарсанинг кушандаси ўзи билан.

Жаҳолат дардининг давоси йўқ.

Қолган кўнгилни ҳеч нарса билан иситиб бўлмайди.

Душмандан дўстлик кутма.

Зўр бериб ўзини мактаётган ёлғон гапирётган бўлади.

Бойлик — имконият, зинҳор бахт манбаи эмас.

Тилдаги заҳарнинг манбаи дилда бўлади.

Ғазаб ҳеч нарсани ҳал қилмайди.

Ўғрининг давлати омонат.

Кўнгил кенглиги — узоқ умр асоси.

Минг йиғи бир иш битирмас.

Феълинг тор бўлса, бошқа душман керак эмас.

Аламзадалик — ўзининг ожизлигининг тан олиш.

Кўнгил хотиржамлигидан ортик давлат бўлмайди.

Ўзининг бошқаларга кераклигининг ҳис қилиш яшаш иштиёқини икки қарра оширади.

Ўзининг бағишламаган ишини борака бўлмайди.

Берилиб ишлаганинг ҳузурини бошқача бўлади.

Нафс ғалаба қилганда одамгарчилик нутилади.

Донининг обрўси нодонга соя солади.

Донни йиғади билим, Нодон эса зару сир.

Энг ёмони — одамларнинг ишончини йўқотиш.

Худбин бирор-бир кўнгилга йўл тополмайди.

Донни нодонни ўзига тенг кўрмайди. Шунинг учун унга эътибор ҳам бермайди. Аммо нодон ҳамиша дононинг ўзидан устунлигини ҳис қилиб яшайди — шунинг учун уни қўрға қўзи йўқ.

Кўнингга ярамаган бойликдан нима наф?

Дунёнинг йўриғини ўзгартириб бўлмайди.

Ёлғон кўпинча бирор нарсани хас-пўшлаш учун тўқилади.

Экдим дегани ҳали ўрдин дегани эмас.

Кўйиб юборсанг, бу кўнгил нималарни тиламайди.

Хаёл сургунча фикр қил, Жим тургунча ҳаракат.

(Давоми бор)

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзловлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 941

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4919 нусхада босилди. Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 02.50